

ОДИЛ ЁҚУБОВ

СЎЗ

- мақолалар • суҳбатлар • интервьюлар
- нутқ ва маърузалар • мактублар •

Биринчи китоб



«SHARQ» НАШРИЁТ-МАТБАА
АКЦИЯДОРЛИК КОМПАНИЯСИ
БОШ ТАҲРИРИЯТИ
ТОШКЕНТ – 2019

УЎК 821
КБК 84(5Ў)6
Ё 93

Сўзбоши муаллифи
Шухрат Ризаев

Нашрга тайёрловчи
Искандар Ёқубов

Масъул муҳаррир
Аҳрор Аҳмедов

Ё 93 **Ёқубов, Одил**

Сўз (Нашрга тайёрловчи Искандар Ёқубов) – Т.:
«Sharq», 2019. – 496 б.

ISBN 978-9943-26-623-0

УЎК 821
КБК 84(5Ў)6

ISBN 978-9943-26-623-0

© Ёқубов Одил, 2019.

© «Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik
kompaniyasi Bosh tahririyati, 2019.



ЖАҲОНИЙ ЭЪТИРОФГА САЗОВОР АДИБ

XX аср жаҳон адабиётининг забардаст вакиллари-дан бири, ўзбек насри ва публицистикасининг дарғаларидан бўлган, 1926 йилнинг октябрида туғилиб, 2009 йилнинг декабрида дунёдан кўз юмган Одил Ёқубовни 83 йиллик узоқ умри давомида неча авлод ижодкорлар ўз қаторларида содда, камсуқум, оддийгина, жўн бир алпозда кўравериб, жаҳоний миқёсдаги ижодий қувватини, истеъдод миқёсини, чўнг маҳоратини кўпда ҳис этавермаганлар, назаран гўё сезмаганлар ёки балки эътироф этишга не бир ички куч монелик қилгандек. Мана энди, адиб вафотидан орада бир неча сана ўтиб, бу қоянинг не қадар улуғворлиги, адабий мартабаси борган сари яққолроқ билиняпти, ҳис этиляпти. Адиб асарларини ўқиганинг сари юқоридаги таърифларга тасдиқ чиқаради. Эл-юрт учун, унинг қалб жароҳатлари учун малҳам ишташ, жонфидолик шунчалик бўлар эканда, деб ўйлаб қоласан.

Москванинг баланд минбарларидан туриб ўзбек халқи шаънига бўҳтон ёғдираётган касларга қаратиб дадил, ҳақ сўзни айтиш, ўз юртининг ор-номуси, ғурури учун ҳеч нарсадан тап тортмай, фикрий муҳорабаларга кириш маънавий жасоратнинг айна кўринишлари эди. Ваҳоланки, Одил Ёқубов ўша суронли йилларгача бўлган ижодининг миқёс ва даражоти «Муқаддас», «Қанот жуфт бўлади», «Биллур қандиллар» қиссалари, «Улуғбек хазинаси», «Диёнат», «Кўҳна дунё» романлари каби бадиий юксак асарлари шавкату шукуҳи билан тинчгина умргузаронлик қилавериши ҳам мумкин эди. Йўқ, шоир айтмоқчи, «бўронларда бордек ҳаловат» – у ўз умрининг сўнги йилларигача уйғоқ виждон, юрагида қўр билан яшади. Тинимсиз ишлади, ижод қилди. Балки айна шу сифати ва фазилатлари туфайлидан яратилган асарлари, турли битиклари ва ирод этган нутқлари боис адиб

жаҳон миқёсига менгзагулик мазмун ва шараф топди. Ҳа, ҳеч бир андиша, истиҳоласиз Одил Ёқубов ҳақида жаҳон адабиётининг намояндаси, ўзбек адабиётининг классиги дея таъриф бериб, сўз бошлашга бугун тўла асос бор.

Вақт ўтган сари адибнинг миллий маданиятимиз ва адабиётимиз равнақига қўшган ҳиссасининг миқёси ҳамда аҳамияти яққолроқ бўлиб бормоқда. Ёзувчи вафотидан кейин ҳаётлигида сўнгги нуқтасини қўйиб улгурган асарлари, Одил Ёқубов ва Пиримқул Қодировнинг ўзаро ёзишмалари матбуотда ва айримлари алоҳида китоблар ҳолида нашр этилди. Мазкур нашрлар улкан ижодкор ҳаёти ва ижод йўлларини теранроқ билиш, унинг табиатига хос хусусиятларни англаш, ижодий лабораториясига кириш ва умуман шахсиятини чуқурроқ ҳис қилиш учун ниҳоятда муҳим манбалар. Уларни варақлаган сари жаҳон миқёсларига менгзаётганимиз таърифлар аниқлик ва қатъийлик кашф эта боради. Агар Одил Ёқубов асарлари куллиёти тайёрланса (бунга эҳтиёж бор, албатта), миллатнинг маънавий хазинасига яна бир бебаҳо бойлик қўшилиши, авлодларга безавол мерос қолиши шубҳасиз. Фақат бу йўлда собитлик, эътиқод талаб этилади. Ана шундай эътиқод натижаси ўлароқ қўлимиздаги мазкур китоб ҳам дунё юзини кўрди. Адибнинг фарзанди, таниқли иқтисодчи олим Искандар Ёқубов падарининг адабиёт ва санъат ҳақидаги турли йилларда ва турли матбуот нашрларида чоп этилган мақолалари, публицистик чиқишларини бир тўплам остида жамлаб, «Сўз» номи билан нашрга тайёрлади.

Китобга кирган мақолалар Одил Ёқубовнинг журналист ва адиб сифатидаги ҳамда жамоат ва давлат арбоби мавқеидаги қарийб олтмиш йиллик умрининг маҳсули бўлиб, улар энг аввало адабиёт, сўнгра санъат ва умуммаданият ҳамда ижтимоий масалалар билан боғлиқдир. Агар ўзига хос тасниф шаклига келтирсак, бу мақолаларни жаҳон адабиёти, ўзбек адабиёти, ўзбек маданияти ва санъати, ижтимоий ҳаёт каби йўналишларга бўлиш мумкин бўлар эди.

Адиб жаҳон адабиёти ҳақида фикр юритар экан, унинг дунёқараши ва қамров доирасининг нақадар кенг эканлиги ўқувчида ҳавас уйғотади. Мақолалар

қахрамонлари Абдурахмон Жомийдан тортиб Пушкин-гача, Жамбул бободан Чингиз Айтматовгача – дунё адабиётининг юксак чўққилари ҳаёти ва ижоди-га бағишланган фикрлар, мушоҳадалар.

Ўзбек адбиёти йўналиши эса Муҳаммад Ризо Ога-хийдан бошлаб Элбегу Усмон Носиргача, Абдулла Қодирий, Чўлпон, Ойбек, Мақсуд Шайхзодалардан бошланиб, то адибнинг ўзига яқин катта-кичик за-мондош бўлган Саид Аҳмадлар авлодидан то Озод Шарафиддинов, Абдулла Орипов, Эркин Воҳидов-гача, Мурод Муҳаммад Дўст, Эркин Аъзам, Хай-риддин Султоновдан то Назар Эшонқулгача – ўнлаб забардаст адибу шоирларнинг ҳаёти ва ижодига оид ё у, ё бу саналар билан боғлиқ ҳолда ёзилган мақолалар.

Маданият ва санъат йўналишидаги очерклар, мақолаларнинг асосини Ҳалима Носирова ва бошқа санъат арбоблари, Миллий (ўша пайтлардаги Ҳам-за номидаги) академик театр ҳаёти, муаммоларига доир фикрлар ташкил этади.

Ёзувчининг жамоат арбоби сифатидаги ёниқ қал-би, эҳтиросли сўзи СССР Халқ депутатлари съез-дига тайёрланган нутқлари, «Қачон одам бўла-миз?», «Ёв қочганда ботир кўпаяр» каби ўткир пуб-лицистик мақолалари ва чиқишлари мисолида ўз ифодасини топган. Мазкур мақолаларни ўқиган ўқувчи учун, айниқса, ҳозирги ёш ўқувчилар учун уларда кўтарилган масалалар бир оз тушунар-сиз туюлиши эҳтимол. Сабаби, улардаги воқелик ора-дан ўн йилликлар ўтиб аҳамиятини йўқотгандек туюлар. Сабаби, бугун тамомила бошқа бир му-ҳит ва шароитда яшаётганимиз, ёшлар эса ўша даврлар ғуборли ҳавосидан «баҳраманд» бўлмаган-лари учун шундай туюлар. Аммо тарихнинг ҳамиша сабоқланиш майдони эканини, келажак учун барометр вазифасини ўташини ҳамда инсоннинг ўзлигини англашидаги бениҳоя муҳим ўрнини назарда тутилса, адибнинг ўша ижтимоий ёниқ сўз билан йўғрилган чиқишлари, маърузалари ва мақолалари қандай аҳамият касб этганини англаш мумкин. Одил аканинг СССР Халқ депутатлари съездидаги нутқи ҳақида кўп ёзилган, хўп ёзилган. Озод Шарафиддиновдек зукко мунаққидлар бу

нутқни ёзувчининг бутун ижоди билан қиёслаб ижтимоий салмоғи жиҳатидан жуда юксак баҳолаганлар, «адиб ҳаётининг юлдузли онлари» дея таърифлаганлар. Ҳатто хрестоматик тус ола бошлаган бу афсонавий нутқ адибнинг ўзи томонидан тарозининг бир палласига бори ижодим, иккинчи палласига мазкур нутқни қўйса, арзигулик экани эътирофи унга янада синчковроқ бўлишни, нутқ ортидаги масъулият ва жавобгарлик ҳиссининг не қадар улканлигини англашга ёрдам беради.

Адиб мақолаларини ягона китоб муқоваси остида саҳифалаганинг сари муаллифга берилган юксак таърифларнинг тасдиғи чиқаверади. Эл-юрт учун, унинг қалб жароҳатлари учун малҳам иташ, жон фидолик шунчалик бўлар экан-да, деб ўйлаб қоласан. Олий минбарларда туриб дадил сўз айтиш, ўз халқининг келажаги учун қайғуриш – чин маънода маънавий жасорат эди. Одил Ёқубов умрининг сўнгги йилларигача уйғоқ виждон билан яшади, юрагида қўр билан тинимсиз ижод қилди. Балки айни шу сифати ва фазилатлари туфайлидан у яратган асарлари, турли битиклари ва ирод этган нутқлари боис адиб жаҳон миқёсига менгзагулик эътироф ва шараф топди. Ҳа, ҳеч бир истиҳоласиз, Одил Ёқубов ҳақида жаҳоний деган истилоҳни тўла-тўқис қўллаб, XX аср ўзбек адабиёти ва публицистикасининг пешқадами, пешвоси, классикларидан деб айтишга тўла асос бор.

Шухрат РИЗАЕВ



***БУ ОЛАМДАН КИМЛАР
ЎТМАДИ...***



ЖОМИЙ ҲАҚИДА

Ўзбек халқи Абдурахмон Жомийни форс-тожик адабиётининг буюк вакили сифатида яхши билади. Унинг етти дostonдан иборат «Ҳафт авранг» китоби, уч девонга йиғилган шеърӣ асарлари Алишер Навоӣ асарлари сингари азалдан севиб ўқилади.

Фақат бугина эмас, буюк бобомиз Алишер Навоӣнинг устози, дўсти, маслаҳатгўи бўлгани учун ҳам халқимиз Абдурахмон Жомийни эъзозлайди, юрагига яқин тутди.

Самарқандда тўққиз йилча яшаб, Улуғбек мадрасасида замонасининг машҳур олимлари Қозизода Румӣ, Фиёсиддин Жамшид, Али Қушчидан таълим олгани, асарларида юртимиз нафаси уфуриб тургани учун ҳам халқимиз ардоқлайди.

Устод Али Қушчининг имтиҳонда математика ва ал-жабрдан берган саволларига ўткир қобилиятли талаба Абдурахмон Жомийнинг донолик билан жавоб бераётганини кўриб тургандай бўламиз. Кейинчалик Алишер ҳам устози йўлидан таълим олиш учун Самарқандга боради. Эҳтимол соҳибқирон Темур пойтахтига, Улуғбек мулкига бориб таълим олиш маслаҳати ҳам Жомийдан чиққандир.

Алишер Навоӣ деярли барча асарларида Абдурахмон Жомийга махсус боб бағишлайди. Уларда устозини буюк санъаткор, беназир олим, ҳақиқӣ дўст, камтарин инсон сифатида таърифлайди.

Навоӣ ўзининг барча ғазалларини тўплаб, Жомий маслаҳати билан тўрт девон тузади. Жомий эса Навоӣ маслаҳати билан ўз ғазалларини тўплаб, уч девон жамлайди. Уларнинг ҳар бирига умр фаслларига бағишлаб ном беради.

Жомий биринчи девони «Фатихат-уш-шабоб»

муқаддимасида Алишер Навоий ҳақида: «Уни холик ва халқ севгани учун таърифга сиғмайди», деб юксак қадрлаганини кўрсатади.

«Ҳафт авранг»га кирган «Лайли ва Мажнун» достонида Навоийни вафодор дўст, чин маслаҳатгўй сифатида таърифлаб: «дўстлик боғидаги вафо шоҳининг Навоийси, унинг лутф тўла навоси кўнгли синиқлар кўнглини кўтаради», дейди. «Юсуф ва Зулайҳо» достони дебочасида Навоийни замон яғонаси бўлган инсон сифатида улуғлайди.

Жомий жуда кўп шеърий ва насрий асарлар яратган сермахсул ижодкор. Унинг яқин-яқинларга қадар мактабларда дарслик сифатида ўқитилган «Баҳористон» номли асари бор. Бу асарни Жомий ўн яшар ўғлига бағишлаб ёзган. Ундан жуда кўп ахлоқий ҳикоятлар, латифалар, машҳур кишилар ҳаёти билан боғлиқ воқеалар ўрин олган. Асар саккиз бобдан иборат. Шоир ҳар бир бобни равза, яъни чаманзор деб атаydi. Алишер Навоий бу асарни «Ҳаёт баҳористони ва нажот нигористони» деб юксак баҳолаган эди.

Навоий ғазалларини «ошиқлар қалбини банд, гўзаллар лабини шакарханд этти» деган Жомий «Хирадномаи Искандарий» достонида Навоий «Хамса»сини Низомий Ганжавий, Хусрав Деҳлавий дostonлари билан қиёслади ва юксак баҳолайди. Низомий ва Деҳлавий «Хамса»лари сўз санъатининг юксак дурдоналари. Аммо Навоий «Хамса»сининг Жомийга кўпроқ ёққани сабаби: дostonлардаги сюжет янгиликларидан ташқари, адолатли шоҳ, тинчлик учун, марказлашган давлат мустаҳкамлиги учун кураш, халқлар дўстлиги, ободончилик, шахс эрки, хотин-қизларга ҳурмат каби ижтимоий соҳаларга урғу берилгани бўлса керак. Чунки Навоий дostonларида ижтимоий руҳ устунлик қилади.

Бундан ташқари, мумтоз адабиётда бўлганидай Жомий дostonлари тасаввуф ғоялари билан суғорилган. Жомий пирга қўл бериб, Нақшбандийлар сулукига қўшилиб, сўфийлар жамоасига кирган

эди. Сўфийларнинг инсонпарвар ғоялари уни бe-фарқ қолдирилмасди. Ўз пири Саъдиддин Қoшғарий қўли остида Нақшбандий ғояларини чуқур ўзлаштиради. Бора-бора Жомийнинг ўзи Ҳиротнинг энг йирик пири муршиди бўлиб қолади. Навоий унга қўл беради. Мақсад бирлиги уларни бирлаштирган эди. Икки дўст халқ – тожик ва ўзбек халқининг фахри бўлган икки даҳо ҳамкорлиқда XV асрда тушкунликка учраган икки адабиётга янги қон, янги ҳаёт бердилар. Шаклан юксак даражага кўтарилган бўлса ҳам, мазмунан қашшоқлаша бошлаган шеъриятни чуқур мазмун, янги ғоя ва ифода воситалари билан беқиёс даражада бойитдилар. Улар шеъриятнинг муҳим ижтимоий вазифаси – инсон руҳини улуғ ғоялар билан тарбиялаш, турли пасткашлик, иллатлардан поклаш деб билдилар.

Бир-бирларига яхши сўз (маслаҳат), ҳурмат, эътибор билан кўмак бердилар.

Рудакий, Фирдавсий, Низомий, Саъдий, Ҳофизлар яратган форс-тожик шеърияти бўстони таназзулга учраган даврда Жомий даҳоси намоён бўлди. Бу бўстонни яна ҳам обод қилиш учун Жомий адабиётнинг ҳамма турларида баракали ижод қилди. Юксак санъат асарлари яратиб, ўз тақдирини халқи тақдирига пайванд қилиб юборди. Навоий шунинг учун ҳам уни «Камолот чўққисининг порлоқ қуёши» деб атаган эди.

Жомий асарларини ўзбек китобхонларига етказиш иши Навоий давридаёқ бошланган эди. Огаҳий «Юсуф ва Зулайҳо» дostonини шеърий таржима қилган эди. Кейинги йилларда ўзбек тилида Жомийнинг «Баҳористон», «Искандар хирадномаси» дostonлари Ш.Шомухамедов таржимасида, ғазаллари Ғафур Ғулом, Васфий, Чустий, Ҳабибий, Улфат, Боқир, Анисий таржимасида, «Ҳафт авранг»га кирган дostonлардан «Силсилат-уз захоб» (Васфий) «Юсуф ва Зулайҳо» (Назармат) таржималарида китоб ҳолида босилиб чиқди. Ўзбек китобхонлари уларни қувонч билан кутиб олди ва севиб ўқимокда. Халқаро Фирдавсий мукофоти совриндори, профессор Ш.Шомухамедов, олим-



Bu tanishuv parchasidir. Asarning to'liq
versiyasi

<https://kitobxon.com/oz/asar/5564>
saytida.

Бу танишув парчасидир. Асарнинг
тўлиқ версияси

<https://kitobxon.com/uz/asar/5564>
сайтида.

Это был ознакомительный отрывок.
Полную версию можно найти на сайте
<https://kitobxon.com/ru/asar/5564>